

№06/2022
Лойиха-смета хужжатларини
тайёрлаш хақида пудрат шартномаси

2022 йил «29» 04

Андижон шахри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва харакатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси унинг директори Б.Абдурахимов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган "SILVER STAIRS DESIGN" МЧЖ ва унинг раҳбари Р. Юсупов иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Пудратчи”: Андижон вилояти Балиқчи тумани Афсона МФЙ худудида 13-умумтаълим мактабини реконструktion қилиш (360 ўрини ўқув биноси қурилиши ва 240 ўрини мавжуд ўқув бинони капитал таъмирлаш) мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вактида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойихалаш топшириклиарида кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар қурилишига лойиха – смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳакидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4 “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан кунга белгиланган

1.5 “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг рухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Пудратчи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблаглари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбай хисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1 “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

- “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва, бошка бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариш;
- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;
- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Пудратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга хақли эмас.

2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган микдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;
- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;
- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;
- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиҳа ишларига ўтказилган биржа танловларнинг 2022 йил “27” апреддаги №73145- сонли ЛОТ га асосан 2022 йил даги танлов комиссиясининг баённомаси билан 111 300 000 (Бир юз ун бир миллион уч юз минг) сўм булиб :

- Бундан “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га 2022 йилда ЛСХ харажати қийматининг 30 фоизлик миқдорида бўнак (аванс), бу 33 390 000 (Уттиз уч миллион уч юз туксон минг) сўмни ташкил қиласди.

3.2 Колган 70 фоиз 77 910 000 (Етмини етти миллион туккиз юз ун минг) сўмни ташкил киласди.

3.3 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил – кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Пудратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисбот хужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишилари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланди.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5 . Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулади.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Пудратчи” ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тўлади. Аммо бунда пениянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Пудратчи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганилиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий микдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Пудратчи” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хукукий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% микдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб кўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга хақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета хужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий–хукукий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мос равища оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” курилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиласидар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

6.3 “Буортмачи” тўлов шартларини ўз вактида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс-мажор» холатига тенг хисобланади.

7. Кўшимча шартлар

7.1 “Буортмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташкари, “Пудратчи” томонидан таҳдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хакди эмас, “Пудратчи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфатлари учун фойдаланиши тақисланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида» ги конунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзагарган тақдирда, бир-бирларини з банк куни ичida хабардор килишлари шарт.

8. Шартноманинг амал килиши муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча хисобланади.

8.2 Мазкур шартнома .2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буортмачига, пурдатчига берилади.


8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга кадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни коплаш чорига томонлар ўргасида вужудга келадиган низолар конунчилликда белгиланган тартибда Андикон туманлараро иктисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

10. Томонларниг реквизитлари

БУОРТМАЧИ	ПУДРАТЧИ
«Ягона буортмачи хизмати» ИК	"SILVER STAIRS DESIGN" МЧЖ
Андикон ш. Навоий шохкўча 45 ўй	Андикон ш. А.Фиграт 1гор кучча 28 ўй
Тел: 2233-08-28	Тел: (+998-90) 209-86-41
ПИХВ: 301/821/860524017092100072023	Х\р: 2020 8000 0008 0504 7001
СТИР: 200 238 014; ОКОНХ:69 000	СТИР: 305 076 369; ОКОНХ:71110
Ўзб. Респуб. Молия вазирлиги Газначилиги;	“Ипотека-банк” АГИБ, Андикон вилоят филиали
Газна х\р: 23402000300100001010	МФО: 00059
МБ ХҚҚМ Тошкент шахар МФО: 000 14	
СТИР 201 122 919	
Компания	ОЗВЕКАУЛУР
Директори	БИРГАНОУРАХИМОВ
	РАҲБАР
	М.Ю.DESIGN
	М.Ў.



Бечизб
Р.Н.Юсупов

Арсеб
Х.Султанов